



## РЕСУРС СОЛИҚЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ҲИСОБОТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

*Каххаров Зухриддин Зафарбек ўғли,*

*Тошкент молия институтини, Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти, PhD*

*e-mail: [kahharovzz@gmail.com](mailto:kahharovzz@gmail.com)*

## PROBLEMS AND SOLUTIONS OF CALCULATION AND REPORTING OF RESOURCE TAXES

*Kahharov Zuhridin Zafarbek ugli,*

*Tashkent Institute of Finance, associate professor of the Department of Accounting, PhD*

*e-mail: [kahharovzz@gmail.com](mailto:kahharovzz@gmail.com)*

### **JEL Classification: M1, M4, M41**

**Аннотация.** Мазкуз мақолада солиқ тўловчи – юридик шахслар тўлайдиган ресурс солиқларидан ер солиғи ва мол-мулк солиғига оид солиқларини ҳисоблаш ва ҳисоботларини шакллантиришнинг айрим масалалари, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асослари ҳамда уларни ечишга оид мулоҳазалар келтирилган. Мақолада ресурс солиқларига муаллифлик тарифи, мамлакатимизда ресурс солиқларининг турлари, уларнинг бюджетга ҳисобланиши ва қайси тизим бюджетига тўланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Солиқ тўловчи – юридик шахсларда ресурс солиқларини бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиёти ва ҳисоботларни топширишдаги сўнги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар берилган, ресурс солиқлари ҳисобини ва ҳисоботини тузишни такомиллаштиришга оид таклифлар берилган. Ресурс солиқлари бутун жаҳонда, хусусан Ўзбекистонда ҳам солиқларнинг муҳим турларидан бири ҳисобланиб, давлат бюджети даромадлар қисмининг салмоқли улушини ташкил қилиши очиб берилган. Мақолада бундан ташқари солиқлар, жумладан

бевосита солиқларга оид турли адабиётларга ко'ра ёндашувлар берилган.

**Abstract.** In this article studied some issues, normative legal and organizational bases, as well as comments on their solution, for calculating and reporting taxes on land tax and property tax from resource taxes paid by taxpayers - legal entities. The article provides information on the author's tariff for resource taxes, types of resource taxes in our country, their calculation to the budget and to which system they are paid to the budget. Taxpayer - legal entities are informed about the latest changes in the practice of accounting for resource taxes and submission of reports, suggestions are given for improving the calculation and reporting of resource taxes. Resource taxes are considered one of the most important types of taxes in the whole world, especially in Uzbekistan, and it is revealed that they constitute a significant share of the state budget revenue. In addition, the article presents approaches according to various literature on taxes, including direct taxes.

**Калим сўзлар:** Ресурс солиқлари, ер солиғи, мол-мулк солиғи, soliq hisoboti.

**Keywords:** Resource taxes, land tax, property tax, tax reporting.

**Кириш.** Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (хукукий ва жисмоний шахслар) билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганда, ишлар бажарган ёки бозорларда олди-сотди қилиш жараёнида пул муносабатларини ҳосил қилади. Лекин улар солиқ бўла олмайди, солиқ муносабати бўлиши учун давлат мамлакатда яратилган маҳсулот қийматини тақсимлаш йўли билан давлат бюджетига мажбурий тартибда тўланиши ёки ундирилиши лозим. Давлат учун бюджетнинг асосий манбаи ҳисобланган солиқлар катта аҳамиятга эга [5].

Ҳозирги пайтда иқтисодий адабиётларда солиқларнинг иқтисодий моҳиятини ўрганишга бағишланган қатор илмий ишлар чоп этилган. Масалан, "Сиёсий иқтисод изоҳли луғатида солиқлар "... корхона, ташкилот ва аҳолини, мамлакат молиявий ресурсларини ташкил этишдаги иштирокининг характерловчи мажбурий тўловлар тизими" [6] деб изоҳланади.

Ресурс солиқлари бевосита солиқлар жумласига кириб, уларнинг таркибига жаҳон амалиётида ер солиғи, ер остидан фойдаланганлик учун солиқ, сув манбаларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи каби турлари ажралади.

Ресурс солиқлари – бу мол-мулк объектларига эгалик қилиб турганлиги ва/ёки улардан фойдаланганлиги, истеъмол қилганлиги учун солиқ тўловчилар томонидан бюджетга ҳисобланадиган ҳамда тўланадиган солиқ турларидир.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги Солиқ кодексига асосан қуйидаги солиқлар ресурс солиқлари ҳисобланади:

- 1) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- 2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 3) мол-мулк солиғи;
- 4) ер солиғи [1].

Тўғри (бевосита) солиқлар — даромад солиғи, фойда солиғи, ресурс тўловлари, мол-мулк солиғи ва бошқалардан иборат бўлиб, уларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тўғри (бевосита) солиққа тортиш — шахсан ёки иш берувчи орқали солиқларни солиқ хизматларига тўғридан-тўғри тўлаш орқали амалга ошириладиган жамият аъзоларини бевосита солиққа тортишдан иборат. Аниқ бир шахснинг аҳволига боғлиқ бўлмасдан, балки унинг қандай маҳсулотлами сотиб олишига боғлиқ бўлган эгри (билвосита) солиққа тортишдан фарқ қилади.

#### **Материал ва методлар.**

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг солиқ тўловчилари (бундан буён ушбу бобда солиқ тўловчилар деб юритилади) деб қуйидагилар эътироф этилади:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу Кодекснинг 411-моддасига мувофиқ солиқ солиш объекти ҳисобланувчи мол-мулкка эга бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари;

2) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўчмас мулкка эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар.

Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган эрини аниқлашнинг имкони бўлмаса, ушбу мулкка эгалик қилувчи ва



(ёки) ундан фойдаланувчи шахс солиқ тўловчи ҳисобланади. Агар юридик шахс кўчмас мулкни молиявий ижарага (лизинг) олган бўлса, у ҳам солиқ тўловчи деб эътироф этилади.

Мамлакатимизда ресурс солиқлари, турлари бўйича одатда маҳаллий бюджетлар даромади ҳисобланиб, салмоқли улушга эга. Ресурс

солиқлар таркибида фақатгина Ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ республика бюджети даромади ҳисобланиши ва унинг 2024-йилдаги прогноз қилинган миқдори 16 290 миллиард сўмни ёки республика бюджети даромадининг 7,66%ини ташкил қилиши белгиланган (1-жадвал).

### 1-жадвал

### Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари 2024 йил учун прогнози[4].

№	Кўрсаткичлар	Миқдори, млрд сўмда	Улуши, %да
	<b>Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари</b>	<b>212 562,70</b>	<b>100,00</b>
<b>1</b>	<b>Бевосита солиқлар</b>	<b>55 697,70</b>	<b>26,20</b>
<b>1.1</b>	<b>Фойда солиғи</b>	<b>39 730,50</b>	<b>18,69</b>
	шундан, «Навоий кон-металлургия комбинати» ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятлари бўйича	18 276,30	<b>8,60</b>
<b>1.2</b>	<b>Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи</b>	<b>15 967,20</b>	<b>7,51</b>
<b>2</b>	<b>Билвосита солиқлар</b>	<b>106 329,10</b>	<b>50,02</b>
<b>2.1</b>	<b>Кўшилган қиймат солиғи</b>	<b>74 045,70</b>	<b>34,83</b>
<b>2.2</b>	<b>Акциз солиғи</b>	<b>17 443,80</b>	<b>8,21</b>
<b>2.3</b>	<b>Божхона божи</b>	<b>14 839,60</b>	<b>6,98</b>
<b>3</b>	<b>Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи</b>	<b>16 290,30</b>	<b>7,66</b>
<b>3.1</b>	<b>Ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ</b>	<b>16 290,30</b>	<b>7,66</b>
<b>4</b>	<b>Дивиденд</b>	<b>23 755,00</b>	<b>11,18</b>
	шундан, «Навоий кон-металлургия комбинати» ва «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятлари бўйича	18 585,00	<b>8,74</b>
<b>5</b>	<b>Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар</b>	<b>10 490,60</b>	<b>4,94</b>

Ресурс солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш асосий манбалари бўлиб қолмоқда.

2023-йил Ўзбекистон Республикаси-нинг давлат бюджетида солиқларнинг куйидаги турлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилиши белгиланган:

- жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи;
- мол-мулкни ижарага беришдан олинadиган йиллик даромад тўғрисидаги декларацияга асосан жисмоний шахслар томонидан тўланадиган,

шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;
- норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ[4].

Майдони 5000 квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари ва меҳмонхоналар (жойлаштириш воситалари) 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда улар эгаллаган ер участкалари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффицентни қўллашга ҳақли [1]. 2024-йил 1-январдан [ijara.soliq.uz](http://ijara.soliq.uz) сайтида ер майдони ижара шартномасини рўйхатдан ўтказиш мумкин. Бунинг учун асосий саҳифадан "Yerni ijaraga berish"ни танлаш керак. Шу ўринда савол туғилади, ер кодекси талаблари нима бўлади? Очик майдонлар - қуруқ ер ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 24-моддасига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларда ерни ижарага бериш ҳуқуқи мавжуд эмас. Фақатгина давлат органлари ерни ижарага бериши мумкин.

### Натижалар.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ маъмурчилигига замонавий ахборот технологиялари кеч жорий қилинди. Ресурс солиқларини тўғри ҳисобланишида асосий масала, бизнинг фикримизча, ресурс обектининг тўғри баҳоланиши ва ҳисобланиши ҳисобланади. Буни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан улкан иш

қилинди.

Жумладан, кадастр агентлигининг уй-жой ва бошқа кўчмас мулкларга оид маълумотлар базаси бойитилди ва ундаги хато ҳамда камчиликлар бартараф этиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида ресурс солиқларининг тўғри ҳисобланишига имкон яратади. Амалдаги Солиқ кодекси 81-моддасига асосан солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботини унинг танловига асосан солиқ органлари томонидан тузлиши мумкинлиги белгиланган. 2021-йилнинг сентябрьда Хоразм вилоятида солиқ хизмати органлари томонидан ҳисоб-китоб ва ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича эксперимент жорий этилган эди. Солиқ тўловчининг хоҳишига кўра ҚҚС, айланма солиғи, юридик шахслар учун ер ва аксиз солиғи бўйича ҳисоботларни олиш имконияти яратилган эди. Ушбу эксперимент муваффақиятли синовдан ўтказилди ва 2024-йилдан Ўзбекистон бўйлаб ҳисоботларни шакллантиришни йўлга қўйиш топширилди. Ушбу ўзгаришга асосан ҚҚС, айланма солиғи, шунингдек, юридик шахслар учун мол-мулк ва ер солиғи ҳисоботлари солиқ тўловчиларнинг электрон кабинетидан ўз муддатида автоматик шаклланади. Ҳисоботларни тайёрлаш учун ички манбалар (солиқ тўловчининг солиқ ва молиявий ҳисоботлари, ҚҚС маълумотлари ва онлайн назорат-касса машиналари, онлайн чеклар ва бошқалар) билан бир қаторда ташқи манбалардан (бошқа давлат органлари тизимлари) фойдаланилади. Яратилган ҳисоботлар солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан пайдо бўлади. Агар солиқ тўловчининг ушбу солиқ ҳисоботига эътирозлари мавжуд бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда солиқ органларига қайта кўриб чиқилган тахрирни тақдим этиши мумкин. Бироқ ҳозирги пайтда гарчи солиқ органлари маълумотлар базалари солиқ тўловчилар ҳақидаги солиққа оид деярли барча маълумотларни қамраб олаётган бўлса ҳам ушбу маълумотлар солиқ ҳисоботларини автоматик шакллантириш учун баъзида етарли

бўлмаслиги амалиётда табиий ҳолатдир. Агар солиқ тўловчи автоматик шакллантирилган ҳисоботни таҳрирловчи ҳисоботни юборган ҳолда қайта ҳисобот топширганда бюджетга солиқ мажбуриятлари камайса, солиқ тўловчи асослантирувчи ҳужжатларини тақдим қилиши зарур бўлади. Бу эса солиқ тўловда сансалорликка олиб келади. Ушбу масалани ечиш учун, фикримизга, қуйидагича тартиб киритилиши керак: Автоматик шакллантирилган солиқ ҳисоботи бўйича солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини камайтиришга олиб келувчи қайта ҳисобот топширса, агар ушбу қайта ҳисобот дастлабки ҳисобланган солиқ мажбуриятини 30% дан камроққа камайтирмаса, тузатувчи ушбу ҳисобот бўйича солиқ тўловчи асослантирувчи ҳужжатларни тақдим қилиши шарт эмас ва солиқ органларида ушбу ҳисобот автоматик тарзда қабул қилинади.

Маълумки, маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги 54-сонли низом талабларига кўра мол-мулк, ер ва сув солиқлари маҳсулот таннархига киритилмайди, улар давр харажатларига олиб борилади. Солиқ тўловчида ушбу ресурс солиқлар ҳисобланган қуйидагича бухгалтерияси ўтказмаси берилади:

Дт 9430 – Бошқа операцион харажатлар

Кт 6410 – Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар

Фикримизча, ушбу тартиб доим ҳам тўғри бўлавермайди. Мол-мулкни ижара бериш даромадларининг асосий қисмини ташкил қилувчи субъектларида, яъни асосий фаолият тури кўчмас мулк ижарасидан даромад олувчи солиқ тўловчиларда мол-мулк ва ер солиғи харажатлари уларнинг асосий фаолият тури билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Яъни бошқарув ҳисоби тамойилларига кўра асосий фаолият (ижарага беришдан даромад олиш) нинг харажатлар фактори (омили) мол-мулкнинг қиймати ҳисобланади. Мол-мулкнинг қиймати эса қанча юқори

бўлса, одатда ушбу мол-мулк ўз ортидан кўпроқ ресурс солиқларини тақазо қилади. Шуларни ҳисобга олиб асосий фаолият тури кўчмас мулк ижарасидан даромад олувчи солиқ тўловчиларда мол-мулк ва ресурс солиқлари ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерияси ўтказмаси берилиши назарда тутилиши зарур:

Дт 2010 – Асосий ишлаб чиқариш (асосий фаолиятнинг харажатлари, ижарага бериш харажатлари)

Кт 6410 – Бюджетга солиқлар бўйича қарзлар

**Хулосалар.** Шундай қилиб, солиқ тўловчи – юридик шахслар тўлайдиган ресурс солиқларидан ер солиғи ва мол-мулк солиғига оид солиқларини ҳисоблаш ва ҳисоботларини шакллантиришнинг айрим масалалари, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асослари ҳамда уларни ечишга оид мулоҳазалар ёритилган. Шу асосда ресурс солиқларига муаллифлик тарифи, мамлакатимизда ресурс солиқларининг турлари, уларнинг қайси тизим бюджетига тўланиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Солиқ тўловчи – юридик шахсларда ресурс солиқларини бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиёти ва ҳисоботларни топширишдаги сўнги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар берилди, ресурс солиқлари ҳисобини ва ҳисоботини тузишни такомиллаштиришга оид таклифларни умумлаштириб, қуйидаги хулосаларни олиш мумкин:

Биринчидан, автоматик шакллантирилган солиқ ҳисоботи бўйича солиқ тўловчи солиқ мажбуриятини камайтиришга олиб келувчи қайта ҳисобот топширса, агар ушбу қайта ҳисобот дастлабки ҳисобланган солиқ мажбуриятини 30% дан камроққа камайтирмаса, тузатувчи ушбу ҳисобот бўйича солиқ тўловчи асослантирувчи ҳужжатларни тақдим қилиши шарт эмас ва солиқ органларида ушбу ҳисобот автоматик тарзда қабул қилиниши зарур.

Иккинчидан, мол-мулкни ижара бериш даромадларининг асосий қисмини ташкил қилувчи субъектларида, яъни асосий фаолият тури кўчмас мулк ижарасидан даромад олувчи солиқ тўловчиларда мол-



мулк ва ер солиғи харажатлари уларнинг асосий фаолият тури билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шунинг учун асосий фаолият тури кўчмас мулк ижарасидан даромад олувчи солиқ тўловчиларда мол-мулк ва бошқа ресурс солиқлари ҳисобланганда ушбу

харажатлар корхонанинг асосий фаолияти харажатларига олиб бориш амалиёти жорий қилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон қонунчилиги.
2. «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон қонунчилиги.
3. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида қонуни лойиҳаси
5. A.S.Jo'rayev, G'.A.Safarov, O.R.Meyliyev. Soliqlar va soliqqa tortish. Soliq nazariyasi. (Darslik) – Т.: «Nihol print» ОК, 2021.-61 б.
6. Политическая экономия. Толковый словарь. М.: «Политиздат», 1990. С. 330.
7. Deborah Schanz, Sebastian Schanz. Business Taxation and Financial Decisions (Germany), Springer. 2011
8. Taxation (UK), BPP Learning Media Ltd BPP House, Aldine Place 142-144 Oxbridge Road London W12 8AA, FA 2014
9. Advanced Taxation (UK), BPP Learning Media Ltd BPP House, Aldine Place 142-144 Oxbridge Road London W12 8AA, 2014
10. Jane Fracknall-HugheC. The Theory, Principles and Management of Taxation: An introduction, Routledge Taylor and Francis Group. 2015
11. [www.norma.uz](http://www.norma.uz) – норма газетаси
12. [www.buxgalter.uz](http://www.buxgalter.uz) - бухгалтерия консултация хизмати